

“АЛ-МИСБАҲ” АСАРИ ФИЛОЛОГИК МАНБАШУНОСЛИК КЎЗГУСИДА

Сулайманов Дилмурод Махамматжанович

Янги аср университети Мумтоз шарқ филологияси кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21022293>

Аннотация: Ушбу тезисда улуғ қомусий олим Саййид Шариф Журжонийнинг “Ал-Мисбаҳ фи шарҳи-л-мифтаҳ” асари, унинг яратилиш тарихи, номланиш омиллари ҳамда китобнинг таркибий асосини белгилаб берган фундаментал манбалар тизими таҳлил қилинган. Тадқиқотда алломанинг балоғат, наҳв, сарф, луғат ва калом илмларига оид манбалардан фойдаланиш маҳорати ҳамда ушбу асарнинг шарҳчилик анъанасидаги ўрни ёритилган.

Калит сўзлар: Саккокий, Тафтазоний, “Мифтаҳу-л-улум”, “Ал-Мисбаҳ”, балоғат илми, наҳв, сарф, эъроб, мажмуавий манба, шарҳчилик анъанаси.

Темурийлар даври илм-фани ривожига балоғат, наҳв ва сарф илмларининг назарий асосларини тизимлаштириш муҳим ўрин тутган. Ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган фундаментал манбалардан бири — Саййид Шариф Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Журжонийнинг (1339–1413) “Ал-Мисбаҳ фи шарҳи-л-мифтаҳ” асаридир. Бу асар аллома Абу Ёқуб Муҳаммад ибн Али Саккокийнинг машҳур “Мифтаҳу-л-улум” китобининг балоғат илмига (маъоний, баён ва бадиъ) бағишланган учинчи қисмига ёзилган энг нуфузли шарҳ ҳисобланади. Журжоний Саккокийнинг “Мифтаҳ”идаги мураккаб концептуал ибораларни тўғри англаш ва ундаги яширин маъноларни очиб бериш йўлида ушбу шарҳни илм аҳли учун ўзига хос “зиё ва нур” бўлишини умид қилиб, уни “Ал-Мисбаҳ” (Шамчироқ) деб номлаган.

Олим мазкур шарҳни ҳаёти ва илмий салоҳияти камолотга етган даврда, Мовароуннаҳр заминига кўчиб ўтиб, Амир Темур саройидаги олимларнинг раиси бўлиб турган пайтда — ҳижрий 803 (милодий 1400) йилда ниҳоясига етказган. “Ал-Мисбаҳ” яратилгунга қадар “Мифтаҳ”нинг учинчи қисмига бир қанча шарҳлар битилган бўлиб, Журжоний уларни чуқур таҳлил қилган, ютуқларини ўзлаштирган ва айрим баҳсли ўринларда асосли илмий эътирозлар билдирган. Асар матни ўрганилганда, муаллифнинг жуда кенг қамровли ва кўп тармоқли манбалар базасига таянганлиги маълум бўлади. Уларни соҳалар бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Балоғат илмига оид манбалар: Журжоний балоғат назариясида имом Абдулқоҳир Журжонийнинг “Далоилу-л-эъжоз” ва “Асрору-л-балағо” асарларига қатъий таянади. Китобнинг деярли ҳар бир бобида Абдулқоҳир Журжоний қарашлари устувор бўлиб, Саккокий ибораларига илмий муносабат билдиришда асосий қалқон вазифасини ўтайди. Шунингдек, Хатиб Қазвинийнинг “Ал-Изоҳ”, Саъдуддин Тафтазонийнинг “Ал-Мутоввал” ва “Шарҳу-л-Мифтаҳ”, Қутбиддин Шерозийнинг “Мифтаҳу-л-мифтаҳ” ҳамда Ибнул Асирнинг “Ал-Масалу-с-соир” асарларидан унумли иқтибослар олинган. Масалан, киноя ва таъриз тушунчаларининг нозик фарқларини баён қилишда Ибнул Асирнинг таърифига суянган.

2. Тафсир ва қироат илми манбалари: Оятларнинг тафсирий мазмуни ва қироат йўналишларини ёритишда Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” китоби энг бош манба бўлиб хизмат қилган. Китобнинг барча фаслларида “Ал-Кашшоф”дан олинган стилистик таҳлилларни учратиш мумкин.

3. Наҳв ва сарф (лингвистик) манбалари: Тил грамматикаси, жумла тузилиши ва эъроб масалаларини шарҳлашда Журжоний Сибавайх, Мубаррод, Зужаж, Ахфаш, Абу Саид

Сайрофий, Абу Али Форисий, Али ибн Исо Рибъий, Кисой ва Мозиний каби Куфа ва Басра наҳв мактабларининг классик вакиллари қарашларини назарий пойдевор сифатида келтиради.

4. Луғат ва адабиётшунослик манбалари: Ибораларни лексикологик жиҳатдан изоҳлашда Жавҳарий, Ибн Сиккит, Абу Абид, Майдоний луғатларига; шеърий мисоллар ва байтларнинг бадий хусусиятларини ёритишда эса Жоҳиз, Шариф Муртадо, Марзуқий ҳамда Абулфароҳ Асфаҳонийнинг “Ал-Ағоний” китобидан фойдаланилган.

5. Усулул фикҳ, калом ва фалсафа манбалари: Асарда Омидий, Фахруддин Розий ва Ибнул Ҳожиб каби усул уламоларининг фикрлари, шунингдек, Наззом, Ашъарий, Абул Ҳусайн, Абу Ҳошим сингари калом ва фалсафа олимларининг баҳсларига, аҳли сунна, мўтазила, зоҳирий мазҳабларининг қарашларига ҳам холис ва танқидий ёндашилган.

Журжонийнинг манбалардан фойдаланиш маҳорати шундаки, у кўплаб ўринларда фикрнинг асл эгасини очиқ баён қилса-да, баъзан матн лўндалигини таъминлаш учун манба номини яширин қолдиради. Бироқ манбаларнинг хилма-хиллигига қарамай, асар матнида пала-партишлик кўзга ташламайди, ҳар бир иқтибос юксак илмий маҳорат билан жойлаштирилган.

“Ал-Мисбаҳ” асари кейинги асрларда яшаган олимларнинг ҳам диққат марказида бўлди. Ҳожи Халифанинг “Кашфу-з-зунун” асарида қайд этилишича, ушбу шарҳга йигирмадан ортиқ йирик ҳошиялар битилган. Жумладан, Муҳаммад ибн Мусо Буснавий, Шиҳобиддин Хофажий, Алоуддин Мусаннифак, Муҳиддин Шайхзода, Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳамза Фанорий (ҳошияси 2022 йилда Қоҳирада нашр этилган) каби олимларнинг ҳошиялари филологик қиймати билан ажралиб туради.

Улоса ўрнида айтиш мумкинки, Саййид Шариф Журжонийнинг “Ал-Мисбаҳ фи шарҳи-л-мифтаҳ” асари ўрта асрлар балоғат назарияси ва филологик манбашунослигини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга бўлган мажмуавий манбадир. Асарнинг ички манбалар тизимини тадқиқ этиш ва унда илгари сурилган назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш Шарқ ренессанси меросини англашда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Шарифов Зокиржон. Балоғат фанидан ўқув қўлланма. Илми баён ва бадеъ қисмлари. –Тошкент: “Мовароуннаҳр” 2014.
2. Рустамий С. Балоғат илми. – Тошкент, 2020.
3. Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Т. 2019.
4. М.Носирова. Араб тили стилистикаси. Тошкент. 2018
5. Шариф Журжоний. Ал-Мисбаҳ фи шарҳи-л-Мифтаҳ. – Байрут: Дару-л-кутубби-л-илмия, 2022.
6. www.ketabpedia.com
7. www.almoqtabas.com
8. www.ebook.univeyes.com